Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети

Обунасига 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 19 декабрь, шанба

№ 250 (21.348).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Б. РАҲМОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ НАЗОРАТ ҚЎМИТАСИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ — РЕСПУБЛИКАДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР ҚАРОРЛАР БАЖАРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ РЕСПУБЛИКА ЖАМОАТ КОМИССИЯСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бегижон Раҳмонов Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат Назорат қўмитаси раисининг ўринбосари — республикада иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш масалаларига доир қарорлар бажарилишини назорат қилувчи республика жамоат комиссиясининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 18 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИ ҲАМДА «ЎЗСУВҚУРИЛИШ» ДАВЛАТ КОНЦЕРНИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнатлари, Қашқадарё вилоятида Ҳисорак сув омбори қурилишига ва иншоотлар комплексини лойиҳа қувватига етказишга катта ҳисса қўшганликлари учун қуйидагиларга Ўзбекистон Республикасининг Фахрий унвонлари берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИРРИГАТОР»

Каримов Орол Очилович — «Ҳисоракгидрострой» трестига қарашли 3-кўчма механизациялаштирилган колонна бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Қобилов Мирза — «Ҳисоракгидрострой» трестига қарашли 4-кўчма механизациялаштирилган колонна ҳайдовчиси, Қашқадарё вилояти

Русина Александра Иннокентьевна — Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги «Ўздавсувлойиҳа» институтининг лойиҳа бош муҳандиси, Тошкент шаҳри

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»

Жўраев Алиқул — «Ҳисоракгидрострой» трестига қарашли механизациялаштирилган қурилиш бошқармаси тракторчиси, Қашқадарё вилояти

Қурбонов Намоз — «Ҳисоракгидрострой» трестига қарашли 4-кўчма механизациялаштирилган колонна бульдозерчиси, Қашқадарё вилояти

Қурбонов Рашид — «Ҳисоракгидрострой» трестига қарашли 3-кўчма механизациялаштирилган колонна бульдозерчиси, Қашқадарё вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТРАНСПОРТ ХОДИМИ»

Қурбонов Ҳаит Мейлиевич — «Узмелиоводтранс» республика корпорациясига қарашли хўжалик ҳисобидаги 12-автокорхона ҳайдовчиси, Қарши шаҳри

ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

Авлоқулов Аҳат — «Ҳисоракгидрострой» трестига қарашли автокорхона ҳайдовчиси, Қашқадарё вилояти

Ашуров Рустам — «Ҳисоракгидрострой» трестига қарашли 4-кўчма механизациялаштирилган колонна бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Гасанов Юлиан Шукурович — Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли «Ўздавсувлойиҳа» институти директорининг ўринбосари, Тошкент шаҳри

Жамберов Александр Владимирович — «Ҳисоракгидрострой» трестига қарашли механизациялаштирилган қурилиш бошқармасининг ҳайдовчиси, Қашқадарё вилояти

Нажмиддинов Шамсиддин — «Ҳисоракгидрострой» трестига қарашли 4-кўчма механизациялаштирилган колонна ғишт терувчилари бригадири, Қашқадарё вилояти

Раҳимов Ботир — «Ҳисоракгидрострой» трестининг бош муҳандиси, Қашқадарё вилояти

Сайдуллаев Абдували Хидирович — «Ҳисоракгидрострой» трестига қарашли 3-кўчма механизациялаштирилган колонна экскаваторчиси, Қашқадарё вилояти

Самиев Бахтиёр Маҳмудович — «Эскиангорканалстрой» трести Шаҳрисабз кўчма механизациялаштирилган колоннасининг бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Сойипов Зойид Ўроқович — «Ҳисоракгидрострой» трести участкасининг бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Умиров Нўъмон — «Ҳисоракгидрострой» трестига қарашли 2-кўчма механизациялаштирилган колонна бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Халилов Ихтиёр — «Ҳисоракгидрострой» трестига қарашли механизациялаштирилган қурилиш бошқармасининг слесари, Қашқадарё вилояти

Эшмуродов Парда Жўраевич — «Ҳисоракгидрострой» трестига қарашли 2-кўчма механизациялаштирилган колоннанинг сувоқчи-бўёқчиси, Қашқадарё вилояти

Юсупов Асадилло Абдираимович — «Ҳисоракгидрострой» трестига қарашли механизациялаштирилган қурилиш бошқармасининг электр созловчиси, Қашқадарё вилояти

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 14 декабрь.



АССАЛОМ, НУКУС!

КЕЧА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПОЙТАХТИ НУКУС ШАҲРИНИНГ 60 ЙИЛЛИК ТАНТАНАЛАРИ БОШЛАНДИ



НУКУС, 18 декабрь («Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари хабар қиладилар): Шаҳар отчопарида республика пойтахти меҳнат жамоаларининг вакиллари тушган автомобиллар колоннаси Нукусдаги байрам тантаналарини бошлаб берди. Бу ерда санъат усталари катта концерт бердилар, шу шонли санага бағишлаб маҳсус тайёрланган «Нукус ҳақида қўшиқ» томошаси кўрсатилди.

Митинг бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси У. Аширбеков нукусликларни юбилей билан самимий табриклади.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан ҳокимлар бошчилигидаги делегациялар юбилей тантаналарида қатнашиш учун Нукусга келди. Мустақил Қорақалпоғистон пойтахти юбилейини нишонлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Ўзбекистон Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров иштирок этдилар.

Бутун Қорақалпоғистон диёри бўйлаб катта шодиёна кезмоқда. Бугун барчанинг чеҳрасида шоду-хуррамлик. Бешикдаги боладан тортиб, аср ёшидан ошган нуроний кексаларгача қувончдан боши осмонга етган дамлар! Бутун элюрт мустақил диёрнинг кўзгуси — республика пойтахти Нукуснинг навқирон олтмиш ёшини нишонлашни бошлади.

Бепоён диёр узра катта тўй ўтказишнинг ўзи бўлмайди. Бир олам тайёргарлик, тараддуд керак. Муаззам шаҳар тўй баҳонасида янада ёшариши, янгидан-янги корхоналар, иншоотлар, саломатлик ва маърифат масканлари бунёд этилиб, ишга туширилиши билан эмас, балки ҳозирги мустақил яшаш асри бошланган бир пайтда, ўзининг қандай миллат, қандай диёр эгаси эканлигини, туғишган қардошлари оиласида чандиқ ташлаб кетган улуғ халқ камолотини, баркамоллигини намоён этиш иштиёқида. Бу унинг буюк қардошлик ғурури ва бурчи, келажак янги аср бўсағасидаги тантанавор нидосидир.

Бугунги кунда узоқ асрлардан буён бир-бири билан қон-қариндош бўлиб келаётган ўзбек, қозоқ, туркман халқлари ўзининг энг азиз биродари — қорақалпоқ элини, ҳар бир дўстини муборакбод олтмиш ёшга кирганлиги билан қутламоқда ва бағрига босмоқда. Нукуснинг улуғвор ва файзли тўйи арафасида шаҳарнинг фусункор майдонлари ва файзли равон кўчалари, меҳнат жўш ураётган корхоналари, маърифат ва маданият масканларини зиёрат этар эканмиз, ҳар қадамда муборакбодлашиш дамларининг шоҳиди бўлдик.

Улуғ тўйини нишонлаётган Нукус — Қорақалпоқ элининг маъмурий пойтахти, деб расман эълон қилинганлигининг олтмиш йиллиги мамлакатда улуғвор ўзгаришлар даврига тўғри келди. Олтмиш йил бу ўлка учун катта тараққиёт, ўзлигини англаш ва турмушнинг барча соҳаларида мислсиз ривож ва барака ато этди!

Бугун Нукуснинг жаҳоннинг жуғрофий харитасида ўз ўрни бор. Коинотдан қараганда Нукус қизил олма шаклида кўринса ҳам ўз даъвати, қизғин ҳаёти, саҳовати, қадимий ва навқирон обидалари ва тарихдаги ўчмас излари ҳамда қаҳрамонликлари, узоқ асрлардан яшаб келаётган достонлари билан жаҳонгашта шаҳардир. Унинг асл фарзандлари шаҳар номини ер курраси бўйлаб жаҳонгашта шаҳарлар қаторига олиб чиқмоқда.

Нукус — Ўрта Осиё минтақасининг ҳаёт томири ҳисобланган Амударёнинг қуйи қисмида жойлашган. Тўрт томонидан қум барханлари билан қуршалган бўлса ҳам, бу диёрнинг йирик саноат ва маданият марказидир. Қорақалпоқ аҳолисининг бешдан бир қисми шу жойда яшайди. Ҳар қадамда қорақалпоқлар, ўзбеклар, руслар, қозоқлар, корейслар ва бошқа миллат вакилларини учратиш мумкин. Меҳмонхоналарда, корхоналарда Туркия вакиллари кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистоннинг рамзий иккинчи пойтахти бўлган Нукус навқирон 60 ёш юзини кўриб турган бўлса ҳам унинг кўҳна тарихи узоқ асрлар қаърида бўлиб ўтган воқеаларнинг мангу гувоҳидир. Археологик изланишлар натижасида топилаётган маданий буюмлар милодимизгача бўлган IV—III асрлардан бошлаб бунда ҳаёт куртак отганлигидан далолат беради. Тарихий манбаларда жуда кўп қизиқарли маълумотларни ўқиш мумкин. Шаҳарда аслида милодимизгача бўлган IV асрдан бошлаб милодимизнинг IV асргача ўша даврга хос қизғин ва улғайиш даври юз берганлигини англаш мумкин. Милодимизнинг II—IV асрларига оид жуда кўп сопол буюмлар ҳаётнинг қизғин кечганлигидан ҳикоя қилади. Олимларнинг аниқлашларича, қазишма ишлари олиб борилган Шўрча шаҳарчасида ҳар бир томони узунлиги 50—60 метр бўлган яъни 0,25 — 0,39 гектар майдонни эгаллаган қудратли мудофаа иншоати бўлган. Аэросуратларни ва ердаги маълумотларни таққослаб қиёсий ўрганиш жуда кўп маълумотларни бермоқда. Шўрча қалъаси қадимги Хоразм давлатининг шимолий-ғарбий чегарасида жойлашган бўлиб, у чегара вазифасини бажарган ва Амударёнинг сувини назорат этиб тур-

(Давоми иккинчи, тўртинчи бетларда).

Нукуснинг бугунги файзли қиёфаси ва унинг ҳурматли кишилари.

АССАЛОМ, НУКУС!



(Давоми. Боши биринчи бетда).

лари ҳам мудофаа ишлари қандай юритилганлигидан ҳикоя қилмоқда.

Нукус сўзининг топономияси ҳақида гап борганда олимлар унинг маъносини Нузкат, Нузкас — яъни «Янги қишлоқ», «Янги қалъа» сўзларидан олинган, дейдилар. XI асрда яшаган олим Ёқут ўзининг асарида бу топономик сўзларни келтириб, улар номи билан аталган қалъалар Хоразмнинг Журжониясига яқин ерда жойлашган, деб таърифлайди. «Нуз» сўзи Хоразм шевасида «янги» деган маънони англатади. Туркманистон олимлари фикрича, Ўрта асрларга тааллуқли бўлган бу сўзлар вақт ўтиши билан Нукус сўзига айланиб кетган. Юнонистон манбааларида эса Амударёнинг қадимги номи Оксус деб кўрсатилган. Ҳозирда олимлар Нукус сўзини дарёнинг қадимий номи билан боғлашмоқда. Машҳур тарихчи олимлар С. Толстов, Т. Жданов бу масканда яшаган халқларнинг аждодлари шарқда Каспий, Орол бўйи, жанубий Россия ва жанубий Сибирь ўлкаларигача тарқалиб кетган, деб илмий башорат қилишган. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё харитасидан ташқари Россия, Молдова ва Мўғилистон жуғрофиясида Нукус сўзлари учраб туради.

Қорақалпоғистон пойтахти Нукус ўзининг катта тўйи арафасида тарихий воқеаларнинг шоҳиди бўлиб турибди. Куни кеча Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Қорақалпоғистон Республикасининг давлат миллий байроғи тасвири бир овоздан маъқулланди ва бу рамзий нишон тантанали баланд кўтарилди. Янги давлат байроғининг ранги ва беш юлдузлари Ўзбекистон давлат байроғига уйғун ва ҳамоҳангдир.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ У. А. АШИРБЕКОВ БИЛАН СУҲБАТ.

— Уббниёз Аширбекович, «Ўзбекистон овози» газетаси муштарийлари ва жамоаси номидан аввало Сизни ва сиз орқали бутун қорақалпоқ элини Нукуснинг муборак тўйи билан чин кўнгилдан қутлаймиз. Сиз яқинда Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси ишида халқ депутати сифатида қатнашдингиз. Бу анжуманда қабул қилинган Конституция икки ўлка халқлари тарихида қандай ўрин тутади?

— Бу Конституция икки халқнинг ҳам ифтихоридир. Унда Қорақалпоғистон халқининг ҳақ-ҳуқуқлари тўла ўз ифодасини топган. Аввалги Конституциядан кескин фарқ қилади. Бу Конституция Қорақалпоғистон Давлат мустақиллигининг равнақ топиши учун катта йўл йўриқлар очиб берган. Унда битилган «Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилади», деган сўзлар ҳар бир қорақалпоқ фуқароси учун азиз ва муқаддасдир. Эндиликда биз баркамол ва тўлақонли миллат сифатида ўзимизнинг ҳақиқий овозимизга эга бўлдик, дейиш мумкин.

— Нукус — Ўзбекистоннинг иккинчи пойтахти. Ҳаммамизнинг севимли масканимиз. Нукуснинг 60 йиллик тўйига Қорақалпоқ эли қандай тўёналар билан келмоқда?

— Нукуснинг навқиров олтмиш ёшини нишонлаш ҳақидаги таклифимиз Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан қизғин маъқуллаб қарши олинди. Президент оқ фотиҳа берди ва Нукус тўйини ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг улкан қардошлик тўйи сифатида нишонлаш лозимлигини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон ҳукумати Нукус шаҳри хўжалигининг истиқболи учун 50 миллион сўм маблағ армуғон этганлиги жуда катта ғамхўрлик нишонасидир. Биз бу саховатдан бошимиз осмонга етди. Бу маблағ улуғвор ишларни амалга оширишга харжланади.

Бир нарсани мамнунлик билан айтиб ўтиш ўринлики, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Нукуснинг равнақ топиши, келажакда жуда ҳам яхши тараққий этган шаҳар бўлиши учун оталарча ғамхўрлик қилмоқда. У киши 1991 йилнинг декабрь ойида шаҳримизга ташриф буюриб, сайловчилар билан учрашди, кўп корхоналарни шахсан бориб кўрди ва келажакда янги Нукус шаҳри қурилиши учун рамзий тошни ўз қўли билан қўйди.

Байрам арафасида Нукусда Туркия билан ҳамкорликдаги тўқимачилик корхонаси, янги замонавий кабель заводи, янги ун комбинати ишга туширилянти. Кўплаб корхоналар қайта жиҳозланмоқда, аҳоли учун ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Нукусда бўладиган умумхалқ шодиёналарига Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ва районларидан, қарлош мамлакатларнинг Чоржўй, Тошовуз, Чимкент, Қизилўрда шаҳарларидан меҳмонлар етиб келишмоқда. Айни пайтда бутун қорақалпоқ халқи Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг ҳам бу шодиёналарда иштирок этишини зўр иштиёқ билан кутмоқда.

— Сизнингча, давримизнинг энг муҳим ва фазилатли жиҳатлари нималардан иборат?

— Менимча, ҳозирда ўзбеклар ва қорақалпоқлар катта оиланинг аҳил фарзандларидек бўлиб яшаётганлигимиз — энг муҳим фазилатдир. Бизнинг бу тотувлигимизни ҳеч қандай куч бузолмайди. Ҳар бир кунимиз осойишта ва тинч кечаётганлигидан беҳад мамнунмиз. Узоқ ўлкаларда бўлаётган воқеаларни кўриб фикр қиламиз ва ўзимизнинг турмушимизга қиёслаб шукроналар айтамиз.

ЧИМБОЙ ВА ТЎРТКЎЛДА НУКУС КУНЛАРИ

Пойтахт Нукуснинг олтмиш йиллик катта тўйи бутун қорақалпоқ диёри бўйлаб умумхалқ шодиёнасига айланиб кетди. Ҳамма жойда бахшилар достонларини баралла куйламоқдалар, дўмбиралар авжига чиқмоқда. Бу тадбирга жуда кўплаб чавандозлик мусобақалари, полвонларнинг беллашувлари ва қўчқор уриштиришлар ўзгача файз бағишлаган. Чимбой ва Тўрткўл районларида бўлган Нукус кунларида юз минглаб одамлар қатнашди. Чимбой стадионида Қорақалпоғистоннинг энг кўзга кўринган санъат жамоалари энг сара қўшиқларни ижро этдилар, рақслар авжига чиқди, турли хил мусобақалар ғолибларига қимматбаҳо совринлар тарқатилди. Қатор-қатор ўрнатилган миллий ўтовларда юрт шарафига, меҳнаткаш халққа зиёфатлар берилди.

МУҚАДДАС ХОНАДОН

Нукуснинг кўчалари бўйлаб байрам нашидаси кезмоқда. Ҳар бир хонадонда ғурур ва қувонч! Шаҳар байрам чироқлари, шиорлари, алвонлари билан келинчакдек безанган. Нукуснинг Пушкин кўчасидаги коттежни бутун қорақалпоқ халқи яхши билади. Бу ерда атоқли адиб, ажойиб асарлар муаллифи, 25 набира ва 8 эваранинг бобоси Жўлмирза Оймирзаев истиқомат қилади. Бу хонадон ўзбек зиёлилари учун жуда-жуда ҳам қадрдон. Бунда Ойбек, Ғафур Ғулом, Яшин, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Назир Сафаров, Миртемир, Асқад Мухтор, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоевалар кўп бор меҳмон бўлишган. Улар дастурхон устида буюк қон-қариндошлик ҳақида, маданий равнақ ҳақида суҳбат қуришган.

Нуроний отахон адибнинг иш столида жуда кўп китоблар турибди. Улардан бири очиқ... У Абдибой Қарлибоевнинг «Марказдан юборилган жаллодлар ва бегуноҳ қурбонлар» деб номланган ҳужжатли романидир. Жўлмирза оға бу янги асарни қўлига олиб, «яхши китоб» деб таърифлади.

Суҳбатимиз ўз-ўзидан ўзбек ва қорақалпоқ зиёлиларининг қардошлик алоқаларига уланиб кетди.

— Биласанми ўғлим, қорақалпоқ халқини ва унинг бадиий адабиётини бошқа халқларга ва жаҳонга яқиндан танитган бир инсон бўлган. У барча китобларимизни ўзбек ва рус тилларда нашр эттиришга бош-қош бўлган эди. У бизнинг умумий оғамиз ва дўстимиз Шароф Рашидов бўлади. Шароф Рашидовнинг Қорақалпоғистон учун қилган чексиз ғамхўрлигини ҳеч ким ва ҳеч қачон унутмайди. Бу ғамхўрликни Ислом Каримов давом эттираётганини ҳар бир қорақалпоқ кўриб ва сезиб турибди.

ЯШАРАЁТГАН ШАҲАР

Пердебой САПАРОВ, Нукусда жойлашган Орол махсус сув қурилиш бошқармасининг бошлиғи.

— Табиий офатга қарши амалий чоралар кўрилмоқда. Ҳамма куч-қудрат аҳволни яхшилашга қаратилган. Биринчи навбатда Нукус аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун катта қадам қўйилди. Туямўйин — Нукус оралиғида 243 километр масофага 1600 миллиметрли қувурлар ётқизилди. Натижада пойтахтга бир кеча-кундузда 170 минг кубметр сув узатиляпти. Қурилиш ишларининг нархи ҳозирги баҳоларда бир ярим миллиард рубль ҳисобланади. Сув иншоотининг иккинчи навбати ҳам қизғин борянти. У Нукус — Кегайли — Чимбой — Тахтакўпир оралиғи бўйлаб ўтади. Бу 120 километрлик масофа. Бунга ҳам ҳозирги баҳода бир миллиард сўм сарфланиши керак.

Коблан НУРЖОНОВ, Қорақалпоғистон Давлат қурилиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари.

— Меъмор ва қурувчиларимиз Нукус байрами учун муносиб тайёргарлик кўрдилар. Кўргазмалар саройида шаҳарнинг ўтмиши ва келажагини ёрқин акс эттирувчи кўргазма тайёрладик. Байрам арафасида 12 минг квадрат метр-уй-жой бинолари, қон қуйиш станцияси, аптека, ва бир неча шифохоналар ишга туширилди. Республика болалар шифобахш таомлари марказини бунёд этиш учун лойиҳа ишлари боряпти. Қурилишга 740 миллион сўм сарфланади. Матлубот базаси ёнида 1200 ўринли янги мактаб ишга тушди.

Яккатерак кўчасида 10 минг киши истиқомат қиладиган янги мавзе қурилиши бошланишига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Унда коттежлардан тортиб тўққиз қаватгача бўлган жуда кўп бинолар қад кўтаради. Нукуснинг қозонхонаси қуввати кескин оширилди.

Халқимизнинг ҳаракати ва ташаббуси билан бир неча минг киши намоз ўқийдиган янги жоме масжиди бунёд этилмоқда. Унинг 1200 квадрат метрдан иборат намозгоҳ саҳни миллий меъморчилик услубида безаляпти.

Турсунбой ЕШЧОНОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, медицина фанлари доктори.

— Бундан кўп йиллар илгари диёримизда инсон саломатлигини сақлаш ишлари жуда ҳам ночор аҳволда эди. Кейинги пайтларда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон ҳукуматлари бу соҳани замон талаби даражасида ўнглаш тадбирларини белгилади! Жуда кўплаб шифохоналар қуриляпти. Нукусда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро учун 800 сўм пул сарфланяпти. Буни умумий аҳоли сонига кўпайтирсак, йилига 1 миллиард 50 миллион сўмни ташкил этади.

Ўлкамиз учун энг аҳамиятли муассаса бу Тошкент медицина педиатрияси институтининг Нукусда очилган филиалидир. Унда 500 киши ўқимоқда. Янги медицина билим юртида эса тиш даволаш мутахассислари тайёрлаш йўлга қўйилмоқда.

Куанишбой УТЕНИЯЗОВ, Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университетининг ректори, профессор.

— Қорақалпоқ халқининг миллий ифтихори бўлган университет 1976 йилда тантанали очилди. Ҳозирда у республикамиз фан ва техникаси билимларининг катта ўчоғи. Унда 5700 талаба таълим олмоқда. 400 ўқитувчи-профессор ишлаяпти. Бир талаба учун бир ойда 1575 сўм стипендия бериляпти. Бундан ташқари, 18 сўмдан қўшимча овқат пули олишади. Ўқувчиларга 4 йил мобайнида давлат юз минг сўмдан пул сарфлайди. Дорилфунунимиз Туркиядаги турдош ўқув маскани билан яхши қардошлик алоқасини бошлади. Талабалар айирабошладик. Бундай алоқалар Хитой ва АҚШ дорилфунунлари билан ўрнатилиши кутилмоқда.

Университетимизни битирган мутахассислар Қорақалпоғистонда ва Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида ҳатто чет элларда ҳам меҳнат қилишмоқда. Бу ўқув масканининг дунёга келишида Ўзбекистон олимлари ва Тошкент давлат университетининг яқиндан берган қардошлик ёрдами бебаҳо бўлди.

Жуллибой ИЗИНТОЕВ, Республика Рассомлар уюшмасининг ранси, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Бердақ мукофотининг лауреати.

— Қорақалпоғистон рассомлари Нукуснинг тўйига атаб тайёрлаган тасвирий санъат кўргазмаси биз санъаткорлар учун ҳам имтиҳон бўлди. Унда халқимизнинг ўтмиши ва бугунги куни ўз ифодасини топган дейиш мумкин. Бу рассомларимиздан Ж. Қутлимуротов, Қ. Бердимуродов, Г. Абдураҳмонова, Б. Сарикеев, И. Жўлимбетов ва бошқалар ижодида айниқса намоён бўлди.

Рассомларимизнинг жуда кўп асарлари икки ўлкадан ташқари Москва, Югославияда, Канада ва Японияда ҳам намойиш этилди.

БРАЗИЛИЯНИ ЛОЛ ЭТГАН ЙИГИТ

Ўз ватанининг асл фарзанди учун киндик қони тўкилган она диёрини улуғлаши ҳам фарз, ҳам қарз. Нукус билан Рио-да-Жанейро оралиғидаги масофа мингминг километрлаб ўлчаниши мумкин. Лекин Лотин Аме-

(Давоми тўртинчи бетда).

Чевар Фотима Алимбетова.





Шаҳар қиёфаси лавҳалари.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — 1993 ИЙЛДА

ПОЧТАЧИ ГАЗЕТА ТАРҚАТАДИ ВА... СОТАДИ

Ҳайрон бўлманг, ҳурматли газетхон, худди шундай бўлади. Республика Алоқа вазирлигининг «Ўзбекистон почтаси» концерни бошлаган ташаббус «Ўзбекистон овози» газети редакциясида қўллаб-қувватланиб, маъқулланди.

Ўзаро шартномага мувофиқ мазкур концерннинг Матбуот тарқатиш марказидаги жойларда алоқа бўлимлари ва почтачиларга чакана сотиш учун қўшимча газет етказиб беради...

— Ва почтачи билан алоқа бўлими ходимлари,— дейди «Ўзбекистон почтаси» концерни раиси М. Носирова, — обуначиларга газетани тарқатиш билан айни бир пайтда қўшимча келган газета нусхаларини сотадилар. Маълумки, бозор муносабатларига ўтишнинг моддий қийинчиликлари „туфайли газета қоғози, босмахона хизмати, транспорт нархи осмонга сакраб, обуна баҳоси ҳам ошиб кетди. Жуда кўп хонадонлар газета ўқишга истаклари баланд бўлгани билан бир йўла обуна бўлишга моддий имконият тополмадилар. «Ўзбекистон овози» раҳбарияти билан фикрларимиз бир жойдан чиққанидан хурсандман. Чунки вақтида обуна бўлолмаган кишилар эндиликда шаҳар ва район марказидаги газет дўконига бориб овора бўлмайдилар. Яшаб турган жойларининг ўзида ҳар куни газета сотиб ўқийверадилар.

— Мукаррам Кенжабоевна, нима сабабдан газета тарқатишдаги янги усул биринчи бўлиб «Ўзбекистон овози» газетига нисбатан қўлланилмоқда?

— Бу газет тарихан матбуотимиз дарғаси бўлиб келгани ҳаммага маълум. Бошқа нашрларни сира камситмаган ҳолда тан олиш керак, «Ўзбекистон овози» мазмунда ҳам, миқдорда ҳам пешқадамликни қўлдан бермаётир. 1993 йил обунасининг дастлабки маълумотларига кўра, бу газетга қарийб 140 минг киши ёзилган. Янги йилнинг биринчи чорагида Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида газетни қўшимча тарқатиш бўйича тажриба якунига қараб республикада қўшимча 100 мингга яқин газета тарқатилиш кўзда тутилмоқда.

Обуначилар сони жиҳатидан «Ўзбекистон овози»дан сўнгги ўринларни эгаллаган мунтазам чоп этилувчи газетлардан «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда», «Правда Востока», ва «Тошкент ҳақиқати» ҳам янгича усулда тарқатилади.

Бу янгиликнинг сиёсий аҳамиятидан ташқари моддий томони ҳам бор. Қимматчилик туфайли қўли енгиллаган минглаб алоқачиларимиз қўшимча ҳақ олиш имкониятига эга бўлишади. Қолаверса, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида газета ва журналлар фақат сотиш йўли билан тарқатилади. Чинакам бозор шу! Қайси нашр ўқимишли бўлса, ўша нашр тиражи ортаверади.

А. АБДУБАННОПОВ.

• *Қалб оралаб...*

«ЯХШИЛАР САФИГА ЎТГИМ КЕЛАДИ»

Бу гапни Абдурасул Қураматов айтди. У Собир Раҳимов номли давлат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби ҳузурига партияга қабул қилишларини сўраб келди. Котиб Жонибек Давроновнинг «Партияга нимага ўтмоқчисиз?» деган саволига тегишли жавоб қилди. Жонибек ака атайин қитмирликка ўтиб, «Сизнингча, ХДП аъзолари яхши кишиларми?» деб яна савол берди.

— Ҳа, яхши, — деди у. — Бошқаларини билмадиму, аммо мен билганларим ажойиб одамлар. — Жавобини тўғриларкан, у ўз корхонасидаги ҳамкасбларини мисол келтирди. Улар — ХДПнинг яхши аъзолари ҳақида батафсил гапирди. Бирини ҳурмати зўр, деб мақтади. Бошқасини кўпнинг кўнглини олишга уста, дея алқади. Дуруст ишларидан сўз очди. Сўнгра мижғовликка йўйиб қўймасин, дедими, гапни калта қилди. — Яхши одамлар-да, — деб сўзига нуқта қўйди.

Айтгандай, ушбу хўжаликда Абдурасул Қураматовдан ташқари ХДПнинг 220 нафар аъзоси ҳисобда туради. Партия дастуридан барчаси бохабар. Низомга амал қилишни бурч билган кишилар. Уларнинг устиворлиги шуки, кўп гапдан кўра, кўп ишни ёқтиришади. Исботи — хўжаликнинг 8,5 тонналик «оқ олтин» хирмонида хизматлари беқиёс бўлгани. Тўғри, ҳаммаси ҳар жойда, турли соҳанинг соҳиблари. Аммо баринниг истаги бир— мустақилликни мустаҳкамлаш.

Дарвоқе, Абдурасул Қураматов ким?

Таржимаи ҳоли оддий. Содда йигит. Ёши ўттиздан ошган. Бир жойда ишласада, кўпни кўрган. Мушоҳадали. Кенгашни қадрлайди. Касби — созловчи. Ўтмиши ҳам ўта мураккаб эмас. Пионер, комсомолдан сўнг анча вақт партиясиз юрган. Нияти улуғ. ХДПга аъзо бўлмоқчи. Шу боис ҳам ушбу партия истаги — ҳайрли иши ва топшириғига масъуллиқни бўйнига олди.

Жонибек ака уни рўйхатга олар экан, Абдурасул — шу ойда партиямизга кириш учун ариза берганларнинг ўнинчиси, деди. Аммо йиғилишда Абдурасулни биринчи бўлиб қабул қилажакликларини айтди.

Дарҳақиқат, ХДПга аъзо бўлиш ҳар жойда турлича кечмоқда. Назаримда, бунинг сабаби, аввало, кўп жиҳатдан ушбу партиянинг унга кирувчиларга «нон», мансаб ва имтиёз ваъда қилмаслигига боғлиқ бўлса керак.

Шу боис, Жиззах вилояти Зафаробод районидаги Собир Раҳимов номли давлат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти ходимлари фақат иш олиб бораётганини таъкидлаш лозим бўлади. Бу ерда ойига ишлаб чиқариш илғорларидан 10—12 киши ХДПга аъзо бўлиб киришмоқда. Бу эса ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Чунки ўз тақдири, келажагини ҳар ким ҳам шу партия билан боғлашни маъқул топармикан?!

Жонибек ака шундай жавоб қилади: «Мақсадимиз — фақат партия аъзолари сонини кўпайтириш эмас, оз бўлса-да, унга ҳақиқий аъзоларни қабул қилишдан иборат». Бу мулоҳазага биз ҳам қўшилдик.

Шуҳрат РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БИР КАЛИМА СЎЗИМ БОР

ИСТИҚЛОЛ ҚАДРИ — БЕБАҲО

Ёшим етмишдан ошиб бораяпти. Уруш ва меҳнат фахрийсиман. Саккиз фарзанднинг отасиман. Оддий қишлоқ кишиси сифатида кўнглимга туккан гапларим бор. У ҳам бўлса, кўрган-кечирганларим ҳосиласидан келиб чиқадиган хулосаларим. Ахир нималарни кўрмади бу бош. Инқилобу очарчилик, «вабо» ёки миллионларнинг ёстиғини қуритган уруш йиллари... Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Орзуимиз ушалиб, тепамизда истиқлол қуёши балқиган экан, биз уни асрайлик, юзини булут босмай, ҳаётбахш ёғдусидан халқ баҳраманд бўлсин.

Мустақилликни мустаҳкамласак истиқлол қадри ошаверади. Юртбошиларга минг қуллуқ, халқимизнинг истиқбол сари дадил одимлашга чорлашмоқда. Давлатимиз байроғи ҳилпирамоқда, мадҳияси таралмоқда. Бахт қомусимиз эса энг халқчил, энг инсонпарвар, ҳуқуқлар мажмуасидир. Кексаларимиз мамнуният изҳор қилмоқдалар. Президентимиз И. А. Каримовга тан-сиҳатлик тилаб, дуо қилишмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш, иқтисодий ўнгланиш осон эмас, меҳнаткашлар мушкулини осон қилиш учун ҳукуматимиз изчил, ақл-идрок билан иш олиб бормоқда. Энди, ҳаммаси ўзимизда қолган. Ўздир-кўпдир — учраган қийинчиликларни енгиб, ҳалоллик, поклик, тўғрилик йўлларини дилга жо қилиб, интизомни, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлайлик, топганимизнинг баракасини берсин. Биз оқсоқоллар ёшларни тарбиялашда «ота сўзи»ни айтиб турсак, муддао вожиб бўлгусидир.

Рустам УСМОНОВ, уруш ва меҳнат фахрийси, Янгийўл райони.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 21. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Лола». Фильм-концерт.
8.00 «Тонг олдида». Бадиий фильм. 1-серия.
9.05 «Табиатни асранг». Кинопрограмма.
9.50 Болалар учун. «Тарихимизни ўрганамиз».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Жуғрофия. Ўрта Осиё ва Қозоғистон тоғларидаги баландлик минтақалари.
11.00 Касблар ҳақида ҳикоялар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Чумчуқвой». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Гулдаста».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси Дони Зокиров номидаги ўзбек халқ чолғу оркестрининг концерти.
19.50 Инсон ва қонун. «Тақдирнинг ўз қўлингда». Видеофильм премьераси.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Учқун Назаров. «Ойна». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
22.40 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
23.10 «Мингдан бир илож». Бадиий фильм.
00.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ассалому алайкум».
19.30 Болалар учун. «Совға».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Қурилиш: тажриба ва муаммолар».
20.55 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
21.10 «Билиб қўйган яхши».
21.25 Тижорат канали. «Сиба-Гейги Ўзбекистонда».
21.40 «Лаҳза». Хабарлар.
21.50 «Чақирилмаган меҳмонлар». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.55 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 «Якунлар».
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Тинглаб, томоша қилинг...».
9.40 «Нима! Қаерда! Қачон!».
10.45 Янги авлод танлайди.
11.35 Мультфильмлар: «Кўк коптоқ», «Мен қизил ўрмонни расмини чизяпман».
12.00 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.20 «Телемикст».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Зумрад шаҳар сеҳргари». Мультфильм. 1 ва 2-сериялар.
16.55 Болалар телевидениеси ассоциацияси.
17.20 «Иқболи кулганда».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «Икки жуфт ва ёлғизлик». Телевизион бадиий фильм.
19.30 «Симха» яҳудий куйлари ансамблининг концерти.
20.00 «Спорт уик-энди».
20.15 «Турмуш ижир-чижирлари». Бадиий телесериал премьераси. 12-серия.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 Хоккей. «Известия» газетаси соврини учун халқаро турнир. Финал. 2 ва 3-даврлар. МАСК Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Футбол шарҳи.

«Янги студия»
таништиради:

23.00 «Бомонд».
23.15 «Бироқ».
23.30 «Борис Моисеев ва унинг маҳбубаси». Эстрада томошаси.
01.25 «Джем-сейшн». Танаффус пайтида (24.00)— Янгиликлар.
02.05 «Империя». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Мутлақо махфий».
9.45 «Параллеллар».
10.15 «Тархан прелюдиялари»
10.40 Мульти-пульти.
10.50 «Эшиклар очиқ». Ҳужжатли фильм (Англия).
11.50 Кундузги сеанс. «Шляпали аёл». Бадиий фильм.
13.15 Мульти-пульти.
13.25 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.30 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
16.00 «Бозорни ўрганамиз».
16.30 «Бола тилидан».
17.00 Янгиликлар.
17.15 Трансросэфир. «Ифодалаш».

*
18.00—20.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.25 «Энг яхши полициячилар». Бадиий фильм (Си-би-эс).
21.25 «Жосуслар уйи». «Жосуслар» телевизион туркумидан ҳужжатли фильм (Си-би-эс).
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.25 «60 дақиқа». Публицистик кўрсатув (Си-би-эс).
23.25 «Фаришталар сийлаган». В. Набоков.
00.10 «Эндзотика».

Сешанба, 22. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Қалбим эъзози». Лирик концерт.
8.00 «Тонг олдида». Бадиий фильм. 2-серия.
9.05 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.35 «Театрдан икки қадам нарида». Телефильм.
10.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Телеойнома».
10.40 Ҳуқуқ ва иқтисод.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кузя учун уй». Мультфильм.
18.30 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Спортлото».
19.25 «Ўзбекистон — Ватаним маним». Республика чегара қўшинлари ҳаётидан кўрсатув.
19.50 «Қўшиқ рақса уланса».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Мерос». Маҳмудхўжа Беҳбудий.
22.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.30 «Тўғри сўзнинг тўқмоғи». Бадиий фильм.
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун фильм.
19.30 «Билим сарчашмалари».
20.00 «Иқтисодчилар мактаби».
20.40 «Мусиқали меҳмонхона».
21.10 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 11.55, 15.20, 18.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Империя». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
10.10 Болалар телевидениеси ассоциацияси.
10.35 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан).
11.25 «Турмуш ижир-чижирлари». Бадиий телесериал премьераси. 12-серия.
12.00 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Ишбилармон кишилар хабарномаси».
15.40 «Адам Смит бойлиги дунёси».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Зумрад шаҳар сеҳргари». Мультфильм. 3 ва 4-сериялар.
16.55 «Олтой. Йил фасллари». Телефильм.
17.05 «Бизнинг мусиқий клуб». «440 герц».
17.45 «Россия тароналари» телерадиотанловининг совриндори Н. Кригина куйлайди.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради: «Бир-бирига пешвоз».
18.55 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Австралия).
19.45 «Миниатюра».
19.55 «Мавзу».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Саҳро». Телевизион бадийй фильм премьераси. 1-серия («Одиссей», «Дягилев маркази» киностудиялари).
22.25 «Ҳарбий ревю».
22.55 «Ким эканлигимни биласан».
23.05 Волейбол. Россия чемпионати. Эркаклар. «Север» — «Самотлор».
23.35 «Бир боқишда муҳаббат». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
01.25 «Империя». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Ҳақиқат онлари». Андрей Караулов саволларига Артем Тарасов жавоб беради.
9.45 Ишдан бўш пайтингизда. «Мушуклар — овунчоқларимиз».
10.00 «Сафсаталар».
10.30 «Фаришталар сийлаган». В. Набоков.
11.15 Мульти-пульти.
11.25 Фитиль-видео. «Қирол».
11.55 Кундузги сеанс. «Штемп». Бадиий фильм.
13.25 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.30 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.40 «Телебиржа».
16.10 «Рост» студияси. «Кенгуру».
16.40 Янгиликлар.
16.55 Трансросэфир. «Урал-ТВ».
17.40 «Тану жоним». Омон қолишлик мактаби.

*
18.00—20.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.25 «Ҳақиқий изқуварлар». Бадиий фильм (Си-би-эс).
21.25 «Яширинишга жой йўқ». «Жосуслар» телевизион туркумидан фильм (Си-би-эс).
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.25 «911-халоскорлик» (Си-би-эс).
23.25 «Эдита Пьеха базми».

Чоршанба, 23. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Самарқанд вилояти Оқтош шаҳар «Рўзвон» фольклор-этнографик ансамблининг концерти.
7.55 «Эрга тегмангиз, қизлар». Бадиий фильм.
9.05 Турк тили.
9.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Устоз».
10.15 «Эл хизматида».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Уч суҳбат».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Бунёдкор».
19.50 «Актёр билан учрашув». Зокир Мўминов.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Қодир Махсумов.
22.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.30 «Қайтишни хаёлдан чиқаринг». Бадиий фильм.
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Спринт».
18.50 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.40 «Туркистон чечаклари». Успенский номидаги Республика мактаб-интернати ўқувчиларининг концерти.
20.50 «Ишбилармонлар».
21.35 «02» тўлқинида».
21.55 «Тоғдан ҳам юксак». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Империя». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
10.10 «Бизнинг мусиқий клуб». «440 герц».
10.50 «Муқаддас қадамжолар бўйлаб».
11.50 «Оддий хавфли саргузашт». Мультфильм.
12.00 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Зумрад шаҳар сеҳргари». Мультфильм. 5 ва 6-сериялар.
17.00 «Анастасия». Ҳужжатли фильм.
17.10 «Кўплаб мусиқалар».
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Аёз жилоси». Мультфильм.
18.30 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради. «Сенинг қалб қўринг» (Минск).
19.00 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.50 «Ибодатдан ибодатгача». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Саҳро». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
22.55 Волейбол. Россия чемпионати. Эркаклар. «Самотлор» — «Искра».
23.25 «Автосалон-92» Москвада. Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
01.15 «Империя». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 Параллеллар. «Кельндаги соло». Лев Копелев.
9.25 «Тану жоним». Омон қолишлик мактаби.
9.45 «Фарс-мажор».
10.15 «Мегаполис».
10.45 «Эдита Пьеха базми».
11.30 Мульти-пульти.
11.45 Кундузги сеанс. «Ишчилар посёлкаси». Бадиий фильм. 1-серия.
12.50 «Гап-гаштакларни қўмсаб».
13.20 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.25 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.45 «Сигнал».
16.00 «Дераза».
16.30 «Сизнинг хусусийлаштириш чекингиз».
16.45 «Танаффус». Светлана Лазарева куйлайди.
16.55 Янгиликлар.
17.10 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
17.55 Эълонлар.

*
18.00—19.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.00 «Хэнк —қўриқчи ит». Болалар учун мультфильм (Си-би-эс).
19.30 «Совуқ тенгликлар». «Оқшом тушабошлаган зона» (Си-би-эс).

*
20.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 «Бўри». Телевизион бадиий фильм (Си-би-эс).
00.05 «911-халоскорлик» (Си-би-эс).

Пайшанба, 24. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Кекса саньаткорлар». Ҳотам Қосимов ва Абдувоҳид Зайниддиновлар куйлайди.
7.55 «Разолат». Бадиий фильм.
9.20 Араб тили.
9.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.
11.00 «Учрашув».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 Глиэр номидаги мусиқа мактаби ўқувчиларининг концерти.
18.40 «Деҳқон ўйлари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Умр сардафтари». Ғайбулла Салом таваллудининг 60 йиллигига.
19.50 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олимжон Орифжонов куйлайди.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.00 «Прерия». Бадиий фильм.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.00 «Юксалиш».
19.40 «Шарқ лирикаси». Навойи.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Пульс». Хабарлар.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Империя». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия.
10.10 Мультфильмлар: «Янги йил кечаси», «Майсали тузоқ».
10.40 Дилрабо концерт.
11.00 «Казаклар...».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Катта Володя, кичик Володя» Телевизион бадиий фильм.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.20 «Телемикст».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Зумрад шаҳар сеҳргари». Мультфильм. 7 ва 8-сериялар.
16.45 «Маънавий ҳамжиҳатлик».
17.15 «Олеся ва компания».
17.45 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.00 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.50 Рождество кечаси. Р. Паулс.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Қора қути».
21.55 «Бағишлов». Телефильм.
22.10 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг». Ахборот-мусиқий кўрсатув. Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
01.05 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг» кўрсатувининг давоми. «Қиролнинг тўйи». Бадиий фильм (АҚШ).

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Балиқ белгиси билан».
9.05 Вариацияли мавзу.
9.45 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
10.30 Мульти-пульти.
10.40 Кундузги сеанс. «Ишчилар посёлкаси». Бадиий фильм. 2-серия.
11.45 «Бурда моден» тавсия этади...».
12.15 «ТИНКО» Савдо уйи.
12.20 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
12.40 «Рост» студияси. «Таклиф этишга рухсат этинг».

* * *

15.30 «Карвон». Телеальманах.
16.25 Янгиликлар.
16.40 «Россияда биринчи марта».
17.05 «Янги йил пироги».
17.15 Мульти-пульти.
17.25 Шундай яшаяпмиз. «Ялангоёқлар».
17.55 Эълонлар.

*
18.00—18.40
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.40 «Кэттс ва кучук». Болалар учун телефильм (Си-би-эс).
19.10 «Кечки соя». Кинокомедия (Си-би-эс).

*
20.10—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 «Кўча воқеалари». Публицистик кўрсатув (Си-би-эс).
23.25 «К-2» таништиради: «Совут». Бадиий фильм; «Халқ франи»; «Медиа».

Жума, 25. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Жостов жилолари». Телефильм.
7.55 «Қайтишни хаёлдан чиқаринг». Бадиий фильм.
9.10 Инглиз тили.
9.40 «Адолат». Ҳуқуқий видеоканал.
10.30 Болалар учун. «Севара рақса тушади».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Наташа учун эртак». Мультфильм.
18.20 «Футбол-92».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Шифокор олим». Профессор Носир Аҳмедов.
19.55 Мумтоз куйлар кечаси.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
21.30 «Онтарио соҳилида бўлган воқеа». Бадиий фильм.
23.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.

● «ОРБИТА IV»

5.55 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 Мультфильмлар: «Арча чироқлари порлаганда», «Арча ўрмонда туғилган».
9.45 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
10.35 Э. Грач ва унинг шогирдлари ижросида концерт.
11.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Бу гўзал ҳаёт». Бадиий фильм (АҚШ).
14.30 «Стингерлар саргузаштлари». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
14.45 «Мартишка ва сивизға». Мультфильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.20 «Бридж».
15.45 «Бизнес-класс».
16.00 «Ён дафтар».
16.05 «Зумрад шаҳар сеҳргари». Мультфильм. 9 ва 10-сериялар.
16.45 И.-С. Бах. «Бранденбургча концерт».
16.55 «Марказ».
17.35 «Технодром».
17.45 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «Иқтисодий клуб».
19.20 «Инсон ва қонун».
19.50 «Мўъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Детективлар клуби»да. «Эротик томошалар». Телевизион бадиий фильм премьераси. «Линда» сериалидан (Венгрия).
22.15 «Федоскино санъати». Телефильм. «Манбалар» туркумидан.

«ВИД» таништиради:

22.35 «Сиёсий бюро».
23.05 «Музобоз».
23.45 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
00.35 «Авто-шоу».
00.50 «Обоз» майдони». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 Ишдан бўш пайтингизда. «Телестройсервис».
9.10 «Оқ қарға».
9.55 «Тилла шпора».
10.25 «Маски-шоу».
10.55 Миллий баскетбол уюшмасининг энг яхши ўйинлари.
11.55 Кундузги сеанс. «Инженер Гариннинг гиперболоиди». Бадиий фильм.
13.30 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.55 «Телебиржа».

* * *

16.00 «Рост» студияси. «Тонлабиринт».
16.30 Янгиликлар.
16.45 «Янги йил пироги».
16.55 Трансросэфир . «Москвагача олис».
17.40 «М-трест».
17.55 Эълонлар.

*
18.00—19.10
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.10 Жума кунлари Уолт Дисней. «Рождество юлдузи». Бадиий фильм. 1-серия.
20.00 Спорт кўрсатуви.
20.05 «Ҳар бир кун Рождество». Болалар учун мультфильм (Си-би-эс).
20.35 «Сандиқ». «Оқшом тушабошлаган зона» саргузашт туркумидан фильм (Си-би-эс).

*
21.05—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 «Бизамберглик махлуқ». «Европа полициячилари» туркумидан бадиий фильм (Си-би-эс).
23.25 Парламент хабарномаси.
23.40 «Апачиларнинг энг охиргиси». «Порох ҳиди» туркумидан саргузашт фильм (Си-би-эс).
01.20 «Хроно». Автор ва мотоспорт оламида.

Шанба, 26. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Ўсмирлар коинотда». Бадиий фильм.
9.15 «Алифбо сабоқлари».
9.45 «Ҳужжатли экран». «Ўзбектелефильм» студиясида яратилган фильмлар ҳақида.
10.45 Болалар учун. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
11.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мўъжизалар масканн».
12.15 «Мушоира». Адабий кўрсатув.
12.45 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Замандас» (қозоқ тилида).
13.45 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар».
14.15 «Хотира». Тўғон Эрназаров.
Тижорат канали
14.45 «Юртим фаровонлиги — мен учун бахт».
15.10 «Қизилжар чорвадорлари қўзурида».

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Кузянинг қайтиши». Мультфильм.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Ўйла! Излаг! Топ!».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Бахтиёр». «Ўзбектелефильм» премьераси.
19.55 «Тилга эътибор».
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов куйлайди.
21.50 «Бахт кулиб боққанда». Бадиий фильм.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 Мультфильм.
18.30 Телетомошабинларнинг талабларига биноан концерт (рус тилида).
19.00 «Ала-Тоо».
19.30 Қирғизистон Республикаси халқ шоири Жалил Содиқовнинг муаллифлик кечаси.
21.00 «Ала-Тоо».
21.20 Қирғизистон Республикаси халқ шоири Жалил Содиқовнинг муаллифлик кечаси (давоми).

● «ОРБИТА IV»

6.40, 14.55, 21.20, 23.55 — Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки гимнастика.
6.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Моторлар оламида».
9.00 «Марафон-15» — кичкинтойларга».
9.25 «Эльдорадо».
9.55 «Шанба кунги дастхат».
10.25 «Инсон институти».
11.10 «Услуб».
11.40 «Фақат самолёт билан етиб олиш мумкин...».
12.30 «Қадрдон дўстлар қироллиги». Мультфильм премьераси (АҚШ).
13.25 «Мусиқий дўкон».
13.55 «Қайтиш». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Вяткателефильм»).
14.45 «Матбуот-экспресс».
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Марказий экспресс».
15.50 «Дракулито — вампирча». Кўп серияли мультфильм премьераси (Франция).
16.10 «Виктория». Мусиқий томоша.
17.35 «АБВГД ЛТД» телесериали. 10-серия.
18.05 «Қизил квадрат».
18.40 «Коламбиа пикчерз» таништиради: Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Тутси». Бадиий фильм (АҚШ).
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Қора қути».
21.55 «Бағишлов». Телефильм.
22.10 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг». Ахборот-мусиқий кўрсатув. Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
01.05 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг» кўрсатувининг давоми. «Қиролнинг тўйи». Бадиий фильм (АҚШ).

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 «Спорт олами «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан».
8.50 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи.
9.20 «Янги йил пироги».
9.30 «Агар сиз...».
10.00 «Плюс ўн бир» видеоканали.
11.15 «Мактаб йириқ планда» («Янги йил компоти» ёки «Кириш мумкин»).
12.00 Кундузги сеанс. «Тилла пиллапояларда ўтирардилар...». Бадиий фильм.
13.10 «В. Верешчагин ватанида».

*
13.40 — 16.10
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

1. «Аҳиллинда узоқ умр».
2. «Мўйқалам ва экран». Мусаввир И. Калантаров ижоди ҳақида.
3. «Кашфиётлар оламида».
4. «Чисен» (корейс тилида).

*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.10 Мульти-пульти.

*
16.20—18.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.20 «Сени севаман». Бадиий фильм (Си-би-эс).
20.00 «Нонтюрн». Видеолавҳа.
20.25 «Хеллграмайт услуби». «Оқшом тушабошлаган зона» саргузашт туркумидан (Си-би-эс).
20.55 «Энн ва Эндининг саргузаштлари». Болалар учун мультфильм (Си-би-эс).
21.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.25 «Сеҳрли қаср». Дам олиш кўрсатуви (Си-би-эс).

Якшанба, 27. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Қўшиқ билан бошланар тонгим». Мусиқий кўрсатув.
7.40 «Шифобахш ўсимликлар атрофимизда». Телефильм.

*

8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 «Саниников ери». Бадиий фильм.
10.00 «Биргаликда куйлаймиз».
10.30 «Шоҳруҳ» клуби.
11.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ».
12.05 «Чорвадор».
12.35 «Мусиқий учрашувлар».
13.15 Тижорат канали. «Иқтисодий испоҳот йўлидан».
13.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мардлар қўриқлайди Ватанни». Ҳарбий-ватанпарварлик мавзунда видеоканал.
16.00 Тижорат канали. «Учкўприк неъматлари».

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим — жон қўшиғим».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Фан». Телеойнома.
19.50 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Телевизион миниатюралар театри.
21.45 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Оқ йиртқич ови». Бадиий фильм.
23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ

9.05—12.00 Қирғизистон телевидениесининг болалар студияси кўрсатади. Программада: «Хуш хабарлар»; «Бобок, сенин жомогун»; «Кош бол, Мери Поппинс»; «Дидар шоу»; «Балдар студиясинин мейманканасында»; мультфильм.

* * *

18.05 Мультфильмлар программаси: «Ғаройиб манеж», «Навқирон Иван қандай қилиб шоҳ қизини қутқарди!». «Новвой ва дангаса».
18.30 Концерт.
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 «Ир кесе». Тянь-Шон районн.
21.30 «Каннзак Изаура». Кўп серияли бадиий телефильм. 10-серия (рус тилида).

● «ОРБИТА IV»

6.20, 18.40 — Кўрсатувлар тартиби.
6.25 «Руҳни чиниқтириш».
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спортлото» тиражи.
8.45 «Доира тоғларга чорлайди» (Ўзбекистон).
9.05 «Соло».
9.35 «Эрта саҳарлаб».
10.05 «Ҳозирча ҳаммаси жойида». 8-кўрсатув.
10.35 «Ақлли болалар» ва «Ақлли қизлар».
11.15 «Пи» белгиси билан».
12.05 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси. 24-серия.
12.30 «Технодром».
12.40 Янги авлод танлайди.

«КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради:

13.30 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
13.40 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.

*

14.30 «Янгра, гармонь!».
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Саёҳатчилар клуби».
16.05 «Нима! Қаерда! Қачон!».
17.20 «Эфирда бевосита мулоқот».
18.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
18.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
19.00 «Уолт Дисней таништиради...».
19.50 «Иш».

Якшанба кинокўрсатувлари:

20.00 «Икс» программаси.
20.15 «Унлаб гладиаторлар зафари». Бадиий фильм (Италия—Испания).

*

22.00 «Якунлар».
22.45 «Эндиликда». Диний кўрсатув.
23.45 «Телелоция».
24.00 Янгиликлар.
00.15 «Тонг юлдузи» тунги эфирда».

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 «Дилкаш суҳбатлар». 3-кўрсатув.
8.50 Христианлар учун кўрсатув.
9.35 Фольклор. «Номаълум маданиятлар».
10.05 «Олти сотих».
10.25 «Янги йил табрикномаси».
10.35 «Қироллиндаги саргузашт». Қўғирчоқ мультфильм.
11.05 «Ати-бати...».
11.35 «Телекроссворд».
12.05 «Дораэмон». Мультфильм премьераси (Япония). 15-серия.

*
12.20 — 15.50
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

1. «Бурч» кўрсатуви.
2. «Ажойиботлар оламида».
3. «Рассом нигоҳида».
4. «Безнен мирас» (татар тилида).
5. «Авлодлар».
6. «Ягона оилада».

*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.50 Спорт кўрсатуви.
15.55 Роман Карцев ва Виктор Ильченко «Қойил, сатира!» кўрсатувида.
17.30 Катталар учун мультфильмлар.

*
17.55—19.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.20 «Ажойиб кўниш». Телевизион бадиий фильм (Си-би-эс). 1 ва 2-сериялар.
20.55 «Бизнинг овунчоқлар». Болалар учун кўрсатув (Си-би-эс).
21.25 «Моҳир разведкачи». «Жосуслар» телевизион туркумидан (Си-би-эс).
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.25 «Рок Ксенофобияга қарши». Мусиқий кўрсатув (Германия).
23.25 Россия телевидениесида Си-би-эс ҳафталигининг якунланиши. Дэна Разер иштирок этади.

*
23.30—00.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

00.30 «60 дақиқа». Публицистик кўрсатув (Си-би-эс).

«Тошкентдан гап

АССАЛОМ, НУКУС!



(Давоми. Боши биринчи, иккинчи бетларда).

рикасидаги бу мамлакатнинг санъат ихлосмандлари ва жаҳон операсининг ман-ман деган юлдузлари Нукуснинг номини яхши билишади. Бразилияда 1979 йилда бўлиб ўтган жаҳон классик музика асарлари ижрочи қўшиқларининг танловида қатнашган Мақсад Хўжаниёзов ўзининг янгроқ овози, мусиқанинг энг кучли пардалари авжида маҳорат билан куйлаши биргина томошабинларни эмас, балки ер куррасининг энг нозик санъатшуносларини ҳам лол қолдирган. Мақсад Хўжаниёзов ўша жаҳон қўригида Россини, Верди, Шуберт, Чайковский, Рахманинов, Толибжон Содиқов каби бастакорларнинг асарларини юксак жўшқинлик билан ижро этди. Ҳозирги пайтда Мақсад Хўжаниёзов Қорақалпоғистон халқ артисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. У ҳозир Бердах номли мусиқа театрида ижод қилмоқда. Айни пайтда Нукус мусиқа санъат билим юртида ёшларга сабоқ беряпти. Мақсад Нукуснинг атоқли фарзанди, истеъдодли адиби Сафар Хўжаниёзовнинг ўғли. Байрам арафасида машҳур қўшиқчи Мақсад Хўжаниёзов яқинда кўчиб ўтган Тўрткўл кўчасидаги хонадонида меҳмон бўлдик.

— Отам дўмбира чалиб, жўшиб қўшиқ айтарди. Кўпинча мени ўзи билан томошаларга етаклаб борар эди. Отам туфайли мен дунёнинг маънавий оламини кўришга муяссар бўлдим...

Мақсад Хўжаниёзов Нукус билим юртида таълим олганидан кейин Тошкент давлат консерваториясида ўқиди. Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида баракали ижод қилди. Бир қатор опера саҳна асарларида бош партияларни ижро этди. Ҳозирда Нукусдаги театрида «Ажиниёз» операсида бош ролни ўйнамоқда.

— Тошкент — менинг иккинчи уйим. У ернинг сувини ичдим ва санъат таълимини олдим. Навоий театридаги устозларимнинг ўгитларини ҳеч қачон унутмайман.

Отахон адиб Жўлмирза Оймирзаев набиралари билан.

ЖАҲОНГИРЛАРНИ МАҒЛУБ ЭТГАН ҚИРҚ ҚИЗЛАР

Қорақалпоғистон диёри халқ оғзаки ижодининг сара асарларига жуда бой. Ривоятлар ундан кўп. Момолар набираларига бийрон эртаклар сўйлайдилар. Жуда кўп ҳикояларни тинглаб бу ўлканинг тарихи жуда ҳам узоқ эканлиги ва ажойиб фарзандлари ўтганлигини англаш мумкин.

Эмишки, Эрон шоҳи ўз қўшинлари билан бу диёрни тиз чўктириш мақсадида дахшатли қирғин-барот жангини бошлаган. Вайронага айланган ва тутдек тўкилган халқни қутқариш учун мард ва асл довюрак керак эди. Ана ўшанда лобар қиз — Тумарис бошчилигидаги қирқ қизлар жанг майдонига йўл олишган. Аёл киши қўмондонлик қилган қўшин Эрон лашкарини тормор этиб тиз чўктирган. Шундан кейин Моваройннаҳрга юриш қилган Фотиҳ Искандар Зулқарнайн ҳозирги Қорақалпоғистон диёри устига келиб қолганида қирқ қизлар жасоратини тинглаб лол қолади. Тумарисга қарши қўшин тортишдан воз кечади. Жаҳонгирнинг фикрича ҳақиқий эркак кишининг аёл кишига қўл кўтариши бу ғирт тубанлик бўлиб туюлади. Улуғ жаҳонгир аёл бошқарган қўшинни мағлуб этиш ҳам, ундан мағлуб бўлиш ҳам шармандалик, деб баҳолай бу ўлкани четлаб ўтиб кетган экан...

Қорақалпоғистонда бундай ривоятлар жуда кўп. Куни кеча биз бу ерда ривоят эмас, ўша эртакларда тасвирланган, куйланган Тумарис каби лобар, довюрак қизлар яшаётганлигининг шоҳиди ҳам бўлдик. Чимбой райони стадионида бўлган умумхалқ тантанасида полвонлар беллашуви ўтаётган бир пайтда майдонга 18 ёшли навқирон қиз бел боғлаб чиқди. Кураш мусобақасининг ҳакамлари стадион узра «шу қиз билан кураш тушишга даъвогар номзод бўлса, майдонга чиқсин», деб эълон қилишди. Лекин томошабинлар ичидан биронта ҳам талабгор чиқмади. Балки, Тўмарис афсонаси ва Искандар Зулқарнайн ақидаси сабоқ бўлгандир деб ўйламанг. Кенг елкали, бу барчин қизнинг исми Гулойша, фамилияси Саримбетова. Гулойша ўрта мактабни тугатганига ўндигина бир йил бўлди. Мактаб мусобақаларида кўп бор қатнашган ва ғолиб бўлган. Энди эса полвонлар даврасида ҳам ҳали ютқазганча йўқ. Бу қиз Қорақалпоғистоннинг энг севимли полвони Сополаккинг набира қизи бўлади. Сополакполвон Ўзбекистоннинг 12 марта чемпиони бўлган.

Кегайли районида яшаётган Гулойша Нукус шаҳри шодиёналарида ҳам майдонга чиқиб, маҳорат кўрсатишга бел боғлаган. Унинг келажаги порлоқ. Бу қизни ҳали Ўзбекистонда бўладиган жуда кўп мусобақаларда ҳам ғолиблар сафида кўрамиз деб умид қиламиз.

Шаҳар кўз касалликлари шифохонаси бош врачи Бекниёз Исмонлов ҳамкасблари даврасида.

Чавандозлар.

Моҳир қўшиқчи Мақсад Хўжаниёзов.

Тўй шундай бошланади.

Ёш полвон қиз Гулойша Сабримбетова.

Эркин БОТИРОВ суратлари.

Бугун Нукус ўзининг навқирон олтмиш ёшини ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг улкан шодиёна тўйи сифатида нишонламоқда. Бу ерга ташриф буюрган меҳмонлар ва мезбонлар бугун эрталаб уруш ва меҳнат қаҳрамонларни хотира ёдгорлигига гуллар қўядилар. Шаҳарнинг бош майдонида санъат усталари, бадиий ҳаваскорлар, спортчилар ва билим юртларининг ўқувчилари иштирокида катта театрлаштирилган байрам томошаси намойиш этилади. Марказий ҳиёбонларда эса катта савдо расталари ишлаб туради. Кундузи санъат кошонаси — Бердақ номидаги театр биносида бу муборак санага бағишланган тантанали йиғилиш ва санъат усталари ижросида байрам концерти бўлади.

Нукус шодиёналарининг нафаси Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб ҳам кезмоқда. Қутлуғ кунда икки қондош-жондош халқ бир-бирини муборакбод этмоқда.

Қутлуғ тўйинг муборак, навқирон Нукус!

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,
Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
Абдулла ПЎЛАТОВ.

• *Табиат ва инсон*

ТИРИКЧИЛИК ЭМАС, ТИРИКЛИК ТАШВИШИДА

Ер—қуёш тизимидаги сайёралараро ягона ҳаёт маскани. Балки, чумоли-ю чумчуқлар жуфти билан, дегандай, эҳтимол, яна биронта инсон яшайдиган сайёра бордир. Умидворликка нима етсин. Олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ерда ҳаёт пайдо бўлиб, капалаклар учгунигача 380 миллион йил керак бўлган экан. Нафосат тимсоли бўлмиш анвои гуллар атир бўйи таратгунча эса тахмин 180 миллион йил ўтган, деган тахминлар бор. У ёғини сўрасангиз, инсон боласи қўшиқ айтишда қушларга қиёс қилиб, муҳаббат йўлида ҳаётидан ҳам воз кечишга қодир бўлгунича тўрт геологик давр керак бўлгандир.

Гўзал сайёрамиз, она табиатимиз, деймиз ардоқлаб. Зеро, инсон ўз қўли-ю ақл-идрокининг мажмуаси уйғунлашган бир тугмачани босиш билан қиёмат-қойимга равона бўлишгача «етилганимиз»ни кўпам ҳаёлга келтиравермаймиз.

Ҳозир эса тирикчиликка, тирик қолиш ташвиши илашиб кетган. Хаёлимга уруш йиллари келади. Биз жойлашган ўрмон қаттиқ замбарак отишмаларига дучор бўлганди. Жон сақлаш учун бир ўпқонда қуён билан паноҳ топганим эсимда. Ҳа, ўрмон ёнганда ёнидаги кийик билан бўрининг иши бўлармиди. Боиси, бунақа пайтда тирикчилик эмас, тирик қолиш афзал бўлади. Қиссадан ҳисса шуки, тириклик маскани бўлмиш заминимизни асрайлик, тирикчиликка эса ҳамиша улгурамиз.

● МУАЛЛИФ ҲАҚИДА.

Ғофур Жўраев 1922 йили Андижон вилоятининг Изосканида таваллуд топган. 25 йилдан ортиқ ҳарбий хизмат қилиб, уруш даҳшатларини бошидан кечириб, тўрт марта ярадор бўлган. Ҳарбий унвони майор. Ўзига хос табиатли бу инсоннинг ажиб фазилати бор. У табиат ошуфтаси.

КУЧ ВА МАҲОРАТ

Қорли чўққиларга бир чақирим кўтарилиш, текис йўлда беш чақирим юриш билан баробар экан. Шу боис овчилар ярим килоча гўшт берадиган какликни излаш, топиш ва отиш учун бир-икки кило тош йўқотиб, енгиллашиб оладилар. Тоғ овчиларининг қотма бўлишлари ҳам шундан.

Ёш овчига тоққа чиқиш ҳеч гапмас. Ов гаштидан, йиғитлик ғайратидан ва какликларнинг сайрашидан, сархуш бўлиб, тоғма-тоғ юраверадилар. Қизариб, қора терга тушиб, юракларининг дуккиллашига ҳам парво қилмай, какликлар парвоз қилган томонга нишонни тўғрилашга уринадилар. Оқшом пайтлари эса машинагача аранг етиб борадилар-да:

— Акахонлар, машинага чиқаверинглар, — дейишгача борадилар. Боиси, тоққа икки марта чиқиб тушган кишининг мадори қолмай, тиззалари титраб туради. Уч кунсиз ўзингизга келолмайсиз. Аммо машинада ўлжа саралашда кекса овчи билан ёшининг фарқи қолмайди. Ёш овчи кўп ўқ сарфлаб «режа»ни уддалаган бўлса, кексаси нишонни бехато уришда ютган бўлади. Тажрибали овчи нишонга олган каклиги сойга тушадиган бўлса, тепкини босмайди. Эгаллаган баландлигини йўқотмайди. Ёнатрофдан парвоз қилган какликларни ҳовлиқмай, босиқлик билан мўлжалга олади. Чунки кексайганда куч ўрнини маҳорат эгаллаган бўлади-да.

Ғофур ЖЎРАЕВ.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

Жамғарма банки

30 декабрь соат 10.00 да

ТОШКЕНТДАГИ САНЪАТ САРОЙИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1992 ЙИЛГИ 12 ФОИЗЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИНИНГ

УЧИНЧИ ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

Заём облигацияларини сотиб олишга шошилинг! Янги йил арафасида энг йирик ютуқ 250 000 сўм сизга насиб этса ажаб эмас.

Заём облигациялари Жамғарма банкининг барча муассасаларида эркин сотилади ва сотиб олинади.

УЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТА ПОКИСТОННИНГ «ХАЙБЕР ГРУППА КОМПАНИЙ» ФИРМАСИ

қаттиқ қоғоз қутидаги виржиния тамакисининг узун фильтрли «А» тоифадаги сигареталарини истеъмолчилар эътиборига

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

HUNTER, HILTON, WILSON SPECIAL

Бозор баҳоларидан арзон.
Эркин муомаладаги валюта (СКВ)га сотилади.
Долларнинг нисбатан курси бўйича сўмларга ҳам сотилиши мумкин.
Телефон: 41-55-07.
Факс: 41-06-31.

«АВИАБРОК» ФИРМАСИ

Сиз ўз юкингизни тез фурсат ичида ҳаво транспорти орқали қўшни жумҳуриятларга ёки хорижий мамлакатларга элтмоқчимисиз?

Бунинг учун «Авиаброк» фирмасига бир мартагина мурожаат этсангиз бас. Ҳамма муаммоларингиз тезда ҳал бўлади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳар, Полторацкий кўчаси, 73 «б»-уй.

Телефонлар: 54-77-19, 54-92-50.

Факс: 54-77-18.

Телекс: 116492 BROCK SU

Диққат!

БАРС

«БАРС» савдо уйи акционерлик жамияти Тошкент омборларида «Опал», «Родопи», «Стюардесса», «ВТ» булғор сигаретларининг улгуржи туркумларини таклиф қилади.

Тўлов исталган шаклда.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси 16.

Телефон: 55-90-15, 45-91-46.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Ўздавматбуотқўм» жамоаси Сирдарё вилоят матбуот бошқармасининг бошлиғи И. Т. Қувондиқовга волидаи муҳтарамаси

Норхол опа ХОЛМАТ қизининг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

УЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича 32-26-70.

Навбатчи муҳаррир: А. ПЎЛАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 22.00 Г—512. № 250. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.